**«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»**

**Иштихон туман Болалар-ўсмирларспорт мактаби директори**
**________________ О.Садуллаев**
**2022 йил «13» Ноябр**

**БУЮРТМАЧИ:**

Иштихон туман Марказий футбол ўйингохи қурилиш-таъмираш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертиза хулосасини олиш учун

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги №276-сонли Ўзбекистон Республдикаси “Давлат харидлари тўисида”ги қонунга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 апрелдаги №684-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун тартиби асосида ишлаб чиқилди

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Хизматда шартнома асосида Иштихон туман Марказий футбол ўйингохи қурилиш-таъмираш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва давлат экспертиза хулосасини олиш учун.

1.2. Танловнинг охирги қиймати **37 000000 (Ўттиз етти миллион) сўм.**

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу тавлов якунлари бўйича ғолиб чиққан лойихачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун.

1.5.Ишларни бошлаш муддати -шартнома умумий суммасидан аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Иштихон туман Болалар-ўсмирларспорт мактаби (бундан кейин - “Буюртмачи” деб аталади)-танловташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: 140700, Самарқанд вилоятиИштихон тумани Иштихон кўчаси 16 уй

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидантанловлар ўтказиш бўйичатузилганХаридкомиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов Иштихон туман Болалар-ўсмирларспорт мактабибиносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектигаўхшаш объектларда ишлаш тажрибасинингмавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

танловобъектигаўзкучлари билан бажариладиган ишларнингмўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган холда)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевоситаташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мажудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиб ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.